

100-Конвенция

Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги Конвенция

(қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ "ҳақ тўлаш" атамаси иш берувчи томонидан меҳнаткашга унинг бирор-бир ишни бажарганлиги эвазига бевосита ёки билвосита пул ёки маҳсулот тарзида тўланадиган оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги иш ҳақи ёки оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги маош ҳамда бошқа ҳар қандай қўшимча тўловлардан иборатдир.

"Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақтулаш" атамаси жинс асосида камситмай белгиланадиган ҳақ тўлаш миқдори маъносини англатади.

Ушбу принцип:

- миллий қонун ҳужжатлари;
- миллий қонунлар томонидан ўрнатилган ёки тан олинган иш ҳақини белгилаш тизимлари;
- иш берувчилар ва меҳнаткашлар ўртасидаги жамоа шартномалари;
- ёки юқорида кўрсатилган ҳар хил усулларни биргаликда қўллаш орқали татбиқ этилиш мумкин.

Конвенция қоидаларига мувофиқ бажарилаётган иш учун ҳақ тўлаш ставкаларини холис баҳолаш чоралари қўлланилиши мумкин. Бундай баҳолаш усуллари иш ҳақи ставкаларини ўрнатиш соҳасида ваколатли бўлган ҳокимият қарори билан ёхуд жамоа шартномаларида, агар рағбатлантириш ставкалари шундай шартномалар билан белгиланадиган бўлса, шартноманинг иштирокчилари томонидан белгиланади.

Жинсидан қатъий назар бажариладиган ишни холис баҳолашдан келиб чиқадиган фарқга мос булган иш ҳақи ставкаларидаги фарқга тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш принципига зид келувчи фарқ сифатида қаралмайди.